



Инглиз ва ўзбек фольклорида эпик кўмакчилар тизими

Ураева Дармон Саидахмедовна

Филология фанлари доктори, профессор, БухДУ

Email: urayevad@gmail.com

Ахмедова Сарвиноз Ҳикматовна

Таянч докторант, БухДУ

Email: sarvi5335@gmail.com

Аннотация: Мақолада инглиз ва ўзбек эпик асарларида кўмакчи қаҳрамонлар ҳақида фикр юритилиб, уларнинг келиб чиқиши таҳлилга тортилган.

Калти сўзлар: фольклор, эпос, афсона, эртақ, қаҳрамон, образ, кўмакчи қаҳрамон, мифологик, зооморф, антроморф кўмакчилар

Қаҳрамонлар тизими дейилганда, хусусан, асарда ҳаракатланувчи етакчи образларнинг жами тушунилади. Лекин фольклорда бундай қаҳрамонлар нафақат инсон, балки мифологик образлар, жониворлар, қушлар бўлиши ҳам мумкин.

Инглиз оғзаки адабиётида ҳамда унинг таъсирида яратилган айрим ёзма асарларида кенг қўлланиб келинаётган эпик қаҳрамонлар борки, улар орасида эльф, пари, дев, гоблин, аждаҳо, сеҳргар чол ёки кампир учрайди. Улар гоҳ антроморф, гоҳ зооморф, гоҳ ғайритабиий антиқа кўринишларда намоён бўлиши билан эътиборни тортади.

Инглизларнинг “Nix Nought Nothing” (“Ҳеч ким, Ҳеч нарса”) эртагида бош қаҳрамонга у севган девқиз ва ўрмонда яшовчи турли жониворлар, осмондаги қушлар, денгиздаги балиқлар ёрдам бериши тасвирланган. Шу тарзда эртақда антроморф ва зооморф кўринишдаги эпик кўмакчиларнинг бир мақсадда биргаликда ҳаракат қилиши акс эттирилган. Бизнингча, шу тасвир орқали табиатдаги барча мавжудотларнинг ўзаро боғлиқлиги таъкидланади. Бу эртақда эпик кўмакчи сифатида дев образи келтирилган. У аввал бош қаҳрамонга эмас, унинг отасига эпик рақиб сифатида учрайди, кейин кўмакчи вазифасида кўринади. Мазкур ҳолат кўп эртақларга хос жиҳатдир.

Шуниси ҳам борки, кўмакчи қаҳрамонлар аввал бош қаҳрамонга рақиб бўлиб, сўнгра унга бўйсунуши оқибатида ҳомийга айланиши мумкин. Мана шунинг учун уларни ҳомий ва рақиб образлари билан биргаликда тадқиқ этишга тўғри келади. Бу эса кўмакчи қаҳрамон вазифасида ҳам ҳомий, ҳам рақиб образларга хос қатор хусусиятлар ўз ифодасини топишини кўрсатади.

Парилар инглиз эртақларида тез-тез учрайдиган мифологик образлар бўлиб, Ирландияда уларни “Daoine Sidh”, Корнуолда “Sith”, Шотландияда эльфлар деб аташган.¹

Пари образи айнан Европа халқлари оғзаки ижодига хос образ бўлиб, айниқса, ғарбий Европада кельт ерлари – Шотландия, Британия, Корнуол, Ирландияда машҳур. Германия ва Скандинавияда ҳам уларни эльфлар деб билишади. Баъзи тилшунослар “пари” сўзини янглиш этимологияга (peri-feeri) таяниб, форсча “пери” образи билан бир хил деб таърифлашади. Аммо, аслида форс фольклори ва мифологиясида пари образи гўзал аёл

¹ Katharine Briggs. An Encyclopedia of Fairies, Hobgoblins, Brownies, Boogies, and Other Supernatural creatures, 1978. – P.12.



кишининг руҳи кўринишида пайдо бўлиб, унга ёвузлик рамзи сифатида қаралган ҳамда зулмат, қурғоқчилик сабабчиси ҳисобланган. Кейинчалик форслар парини мурувватли образга айлантириб, унинг асосий вазифаси инсон қалбини жаннат томон етаклаш, деб ҳисоблашган.²

Париларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Ўрта асрларда уларни осмондан тушган фаришталар деб ҳисоблашган. Европада ўрта асрларда fairy (пари) сўзи сеҳру-жоду маъносини ва оддий инсонлар билан бирга сеҳрланганлар яшовчи макон маъноларини англатган.³

Инглиз халқ эртакларида мушук образи етакчи ўрин тутувчи зоонимик тимсоллардан биридир. У, асосан, кўмакчи образида келади. Англия ва Шотландия эртакларида мушук бутунлай салбий образда гавдалантирилиши кузатилмайди. Баъзан у ёвуз мавжудот бўлиб келса-да, барибир кўмакчи бўла олади.⁴

Рус олимлари И.Н.Козакова ва В.Т.Александрян фикрича, хўроз ижобий хислатларга эга образ саналади. Мушук ва хўроз бахтли ҳаётга эриштишдан олдин бир қанча синовларни енгиб ўтишади.⁵

Ўзбек афсона, эртак ва дostonларда инсонларнинг ҳаётига ҳомийлик қилиш, ўрни келганда, йўл кўрсатиш, мушкулени осон қилиш ғояси илгари сурилганда, кўпинча дев, пари, аждар, Семурғ, аранлар, эранлар, Хизр, Эр Ҳубби, Илёс ва ҳоказо сингари образлар алоҳида эътиборни тортади. Улардан аксариятининг қадимий асослари “Авесто”га бориб тақалади.⁶ “Кулса гул, йиғласа дур” эртагида Хизрнинг бош қаҳрамонга ёрдамчи бўлиб келиши кузатилади.

Ибтидоий даврдаги диний эътиқодлар асосида келиб чиққан мифологик тушунчалардан бири – ота-боболар руҳининг ҳомийлигига, мададига ишониш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун Хизр образи бевосита чилтан каби бошқа ҳомий руҳларга боғлаб талқин қилинади.

Хизр образи нафақат афсона ва эртак, балки дostonлар сюжетида ҳам учрайди. Ш.Турдимов фикрича, Хизр ёз (кўклам) илоҳи, барча ўт-олов манбаи, тарихан ушбу образ қуёш маъбудни ҳисобланган.⁷ “Гўрўғли” дostonларида қаҳрамонга айнан Хизрнинг ҳомий сифатида келишининг туб асослари ҳам ана шу кўҳна тасаввурлар тизимининг меваси ҳисобланади. Дoston ибтидосида Гўрўғли қуёш маъбудининг ўғли саналган. Ўзбек фольклорида чилтанлар, эранлар образи ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам бош қаҳрамонга ҳомийлик қилувчи мифологик кучлар сифатида кўрсатилади.

Ўзбек оғзаки адабиёти намуналарида парилар вафодор аёл, дўст, маслаҳатгўй, ақлу фаросатда, жасоратда ва обрўда кўпинча эркаклардан ҳам қолишмайдиган, ҳатто ўз ёри билан бирга жангларга ҳам кириб, қаҳрамонлик кўрсата оладиган образ сифатида тасвирланган.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ҳамда ўзбек фольклори ўзига хос эпик қаҳрамонлар, жумладан, кўмакчи қаҳрамонлар тизимида эга. Улар халқ афсона ва эртакларида катта ўрин

² Jones Alison. Larousse Dictionary of World Folklore. – Edinburgh: Larousse, 1995. – P.345.

³ Leach MacEdward. Fairy. Funk and Wagnalls Standard Dictionary of Folklore, Mythology and Legend. 2 vols. – New York: Funk and Wagnalls, 1949. – P.363.

⁴ Утюпина О.В. Образ кошки в сказках и мифах народов мира. – Омск, 2005.

⁵ Козакова И.Н., Александрян В.Т. В мире русской и английской народной сказки. – М., 1997.

⁶ Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.11-12.

⁷ Турдимов Ш.Г. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари: Филол. фанлари доктори...дисс. автореф. – Т., 2011.



тугади. Ҳар бири ўзига хос ғайриоддий тасвири, кўриниши, бадиий вазифаси билан фарқланиб туради. Улар келтирилган асарлар ўзига хос бадиий таъсирчанлик касб этади

Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати

1. Расулов, З. И. (2011). Синтаксический эллипсис как проявление экономии языка): автореферат дисс.. кандидата филологических наук/Расулов Зубайдулло Изомович.- Самарканд, 2011.-27 с.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=BMFYyzIAAAAJ&citation_for_view=BMFYyzIAAAAJ:UeHWp8X0CEIC
2. Saidova, M. U. (2019). Lexical Stylistic Devices and Literary Terms of Figurative Language. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN, 2277-3878. <https://www.ijrte.org/wp-content/uploads/papers/v8i3S/C10541083S19.pdf>.
3. Saidova, Muhayyo (2021) "SEMANTIC ANALYSIS OF LITERARY TERMS BY LITERARY TYPES IN "THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS"," Philology Matters: Vol. 2021: Iss. 1, Article 11. DOI: 10.36078/987654486 Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2021/iss1/11>
4. Расулов, З. И. (2010). Принцип контекстуального анализа эллиптических предложений (на материале английского языка). Вестник Челябинского государственного университета, (21), 91-94. <https://cyberleninka.ru/article/n/printsip-kontekstualnogo-analiza-ellipticheskikh-predlozheniy-na-materiale-angliyskogo-yazyka/viewer>
5. Kobilova, N. S. (2016). LITERARY INTERPRETATION OF SOCIAL PSYCHOLOGY IN THE NOVEL " MARTIN EDEN". World science, 4(3 (7)), 52-53. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25619815>
6. Kobilova, N. S. (2018). BENEFITS OF USING SONGS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO YOUNG LEARNERS. In Инновационные подходы в современной науке (pp. 102-107). <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35081671>